



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 10-yanvar. Shanba 4 (31.907)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ш.К.Абдурахмановни Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;
Шухратбек Кушакбаевич Абдурахманов Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

С.У.Исмаиловни Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;
Сайфиддин Умарович Исмаилов Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.О.Турдимовни Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;
Эркинжон Оқбутаевич Турдимов Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

О.Ш.Ашурматовни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;
Ойбек Шодмонкулович Ашурматов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р.Д.Усмановни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ;
Раҳманбек Джахангирович Усманов Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

ЎзХДП: БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Ҳар бир сиёсий партия жамиятдаги обрўсини мустаҳкамлаш, аъзолари ва тарафдорларини кўпайтиришга интилади. Бунинг учун сиёсий партия, аввало, электрот билан изчил иш олиб бориши керак бўлади. Шу орқали фуқаролар ишончи қозонилади, аъзоларнинг қўллаб-қувватлашига эришилади. Бу эса кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг бошланғич ташкилотлари фаоллигига боғлиқ.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сергели филиали қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти самарали фаолият юритиб келмоқда.

— Фаолиятимиз давомида электрот манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қиламиз, — дейди **бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зофир Кулматов**. — Ҳозир бошлан-



ФАОЛ АЪЗОЛАР

партия фаолиятини кучайтиради, жамиятдаги нуфузини оширади

гич ташкилотимиз аъзолари 20 нафарга етиб қолди. Тез орада янги аъзоларни қабул қилишни режалаштиряпмиз. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, яқинда бўлиб ўтган сайловлар жараёнидаги тарғибот-ташвиқот ишларида аъзоларимиз фаол иштирок этди. Энди эътиборимизни партияимизнинг янги Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратяпмиз. Чунки бизнинг фаолиятимиз ҳам бевосита аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, дейиш мумкин. Банкимиз томонидан ёш оилаларга уй-жой кредитлари, ижтимоий муҳофазасига муҳтож оилалар ҳамда уларнинг фарзандларига таълим ва истеъмол кредитлари ажратилмоқда. Булар партияимиз дастурий мақсадлари рўйга чиқишида муҳим ўрин тутди, деб уйлайман.

Юлдуз ХАЙДАРОВА
Фаррух АЛИЕВ
олган сурат.

Биз тadbирларимиз мавзусига янада катта масъулият билан ёндашиб, ўйлаб кўрайлик: шу мавзу бугун қанчалик долзарб, партияимиз Сайловолди дастури билан боғлиқми, электрот манфаатига хизмат қила оладими?..



ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

Номига ўтказилган тadbир ҳеч кимга фойда бермайди

Ҳар бир тadbир қатнашчиларда қизиқиш уйғотиши, уларнинг билимини ошириши, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоғи лозим

■ Дунёнинг турли ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий беқарорликлар, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви авж олаётган бугунги шароитда фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ҳар бир кишида мустақил фикрни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Президентимизнинг халқимизга Янги йил табриҳида бу муҳим масалаларга яна бир бор эътибор қаратилди. Ҳозирги таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик талаб этиши таъкидланди. Табриқдаги қуйидаги фикрлар кишини чуқур ўйлашга даъват этади:

▶ Давоми 2-бетда.

ВАТАН — УЛУФ, БУРЧИМ — МУҚАДДАС!

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК МАДҲИЯСИ

12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

Шу кунларда халқимиз, бутун мамлакатимиз байрамлар оғушида яшамоқда. Яқиндагина катта шоду хуррамлик билан нишонланган Янги йил тантаналари шуқуҳи сўнмай туриб, эл-юртимиз яна бир қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки руҳда қутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Байрам муносабати билан уюштирилаётган турли маданий-маърифий тadbирларга келаётган юртдошларимиз мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-омонлик, бахт-саодат суруридан баҳра олмақда, шу ёруғ, дорилмомон ҳаётимиз учун Яратганга шуқроналар айтмоқда.

Байрам кунлари турли касб-кор, турфа ёшдаги одамларнинг пойқадами узилмайдиган шундай маскан борки, бу ерга келган ҳар бир инсон, аввало, юртимиздаги тинчликнинг нақадар азиз неъмат эканини чуқур англайди, шу бебаҳо неъмат учун жонини беришга тайёр мард ўғлонлар жасоратига тасаннолар айтди. Садоқат, жасорат ва эзгуликка ундовчи бу гўзал маскан — «Ватанга қасамёд» монументидир.

Мамлакатимизда ёш авлодни мард ва жасур, мустаҳкам иродали, Ватанга садоқатли, ўз ҳаётини эл-юрт манфаати учун баҳшида қилишга қодир ўғлонлар этиб тарбиялаш — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз қудрати ва салоҳиятини оши-

риш йўлида олиб борилаётган улкан ислохотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз хуснига ярашиб тушган ушбу мажмуа бугун ҳарбий хизматни ўзи учун нафақат конституциявий бурч, балки садоқат ва матонат мактаби, том маънодаги шарафли вазифа, деб билган ҳар бир ўғлон учун ибрат маскандир. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни дилига тугиб, ҳарбийлик либосини кийган йигитлар, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган курсантлар ушбу Монумент пойида эл-юртимиз тинчлиги ва оёсийшталгининг посбони бўлишга аҳд қилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

■ Амнистия, бу — тўғри йўлга қайтиш, бошқа адашмаслик, ишончи оқлаш, инсонийликни ҳис қилиш, ҳаётни қайтадан бошлаш имкониятидир. Шу тўғрида ёш олтмишдан ошган ҳайдовчи ҳам, эгри йўлни тавлаган аёл ҳам, вояга етмаган йигитча ва чет эл фуқароси ҳам озоликка чиқди. Энди уларда тўғри йўлни тавлаш имконияти бор.

АМНИСТИЯ:

тўғри йўлга қайтиш
ИМКОНИЯТИ

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



ЎзХДП фракцияси
тузилди



■ Бугун Марказий сайлов комиссиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янги сайланган депутатларга тегишли гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилади

ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА

Номига ўтказилган тadbир ҳеч кимга фойда бермайди

Ҳар бир тadbир қатнашчиларда қизиқиш уйғотиши, уларнинг билимини ошириши, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоғи лозим

«Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллект таракқиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволашни кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш мумкин».



ярата олмас, бундай тadbирни самарали бўлди, деб айта олмаимиз. Имкон қадар баҳс-мунозара уюштирилса, одамлар фикри чархланади, ўйлашга, хулоса чиқаришга ўрганади.

— Бир нарсани асло унутмаслигимиз керак, одамлар ҳар қандай тadbирга ўзи учун фойдали бир гап, кўнглига яқин фикр ёки таклиф эшитаман, деб келади, — дейди Янгийўл туман партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Нўмонжон Арипов. — Агар биз уларни ўқувга, деб қақриб, фойдали гап айтмасак, бу ҳолат одамларда нафақат тadbирга нисбатан, балки, умуман, партияимиз ҳақида ҳам салбий таассурот қолдиради. Бундай тadbирларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Одамлар тadbирдан беэтиб қолади. «Борсам, яна ўша гаплар бўлади-да», деб ўйлайди.

Демак, масала инсоннинг дунёқарашини, билимини, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, бошқача айтганда, ҳар биримиз фуқаролик бурчимизни қай даражада англашимизга боғлиқ.

Яқинда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов ҳалқимизнинг сиёсий маданияти, фуқаролик позицияси юқсалиб бораётганини кўрсатди. Айниқса, ёшлар сайлов билан боғлиқ жараёнларга катта қизиқиш билдирди, депутатликка номзодлар билан учрашувларда фаол иштирок этди. Ана шунинг ўзиёқ ёшларда демократик ислохотларга, мустақил фикрлашга чанқоқлик юқори эканини кўрсатди.

Мутахассислар фикрича, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунё воқеаларидан хабардорлигини таъминлаш, бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб олиши учун сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий тadbирлар таъсирчанлигини кучайтириш керак.

— Ўтган 2014 йилда ўтказилган барча тadbирларимизнинг асосий мақсади мамлакатимизда сайлов тизимининг шаклланиши, унинг аҳамияти, сайловчининг бурчи, овоз бериш тартиблари тўғрисида кенг жамоатчиликка, партия электорати вакилларига маълумот ва фикрлар етказиш бўлди, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Гулнеҳра Зоҳидова. — Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув машғулотлар 4 босқичда — партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, ЎзХДП туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари тизимида ташкил этилди. Таҳлил ва хулосалар сиёсий ҳамда фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни ўтказишда янгилаш зарурлигини кўрсатмоқда. Айниқса, сайлов кампанияси жараёнида бу яна бир бор ўз исботини топди. Сайловчилар ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий жараёнларга оид саволларга биздан аниқ жавоб кутиши. Шунинг учун ўқувлар мавзуларини белгилашда умумийликдан қочишимиз, ҳаётий масалаларга эътибор қаратишимиз зарур.

— Биз ҳар бир тadbир кун тартибини белгилашда бунунинг талаби, партияимиз электорати қизиқишидан келиб чиқиб, қарор қабул қилишимиз, — дейди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раис ўринбосари Хусан Абдуниязов. — Сиёсий семинарлар самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ЎзХДПдан маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатларнинг фаол иштироки таъминланмоқда. Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўқувларга қандай мутахассисни, қайси даражадаги депутатни таклиф этмайлик, улар самимий гапирмас, тингловчиларга қалбдан яқинлашмас, эркин фикр алмашиш муҳитини

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Партия гуруҳи

вилоятни янада равақ эттирадиган таклифлар билан чиқади

Биламизки, қонунчилигимизда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига катта ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилган. Ундан самарали фойдаланиб, одамлар ҳаёти янада яхшиланишига таъсир кўрсатиш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимиятининг назоратини кучайтириш депутатлар, партия гуруҳларининг фаолияти самарадорлигига чамбарчас боғлиқ.

Шу кунларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларини ташкил этиш бўйича ўтказилаётган йиғилишларда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашида ўтказилган йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлардан иборат партия гуруҳи ташкил этилди.

— Депутат, аввало, ҳаёт билан ҳамнафас яшамоғи лозим, — деди вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров. — У юзага келадиган ҳар қандай масалани аввалроқ англаши ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича аниқ таклифга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ўз ваколати ва ҳуқуқларидан фойдалана олиш, ўзи сайланган ҳудуд ҳаётини чуқур ўрганиши талаб этилади. Акс ҳолда, бирон ижтимоий масалани ҳал қилиб бўлмайди. Партияимиз Сайловолди дастурида таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, жойларда ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш орқали аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Бу масалалар вилоятимиз учун ҳам жуда долзарбдир. Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз ҳудудларнинг бу борадаги талаб ва эҳтиёжини ўрганиши, муаммоларни ҳал қилишда амалий саъй-ҳаракат, халқ ишончига муносиб қатъият кўрсатиши керак.

— Сайловолди дастурида хотин-қизларнинг сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

шига кўпроқ ҳисса қўшишига, ҳусусан, вақтинча ишсиз аёллар оилавий тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш мақсад қилганман, — деди 30-Карвак округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Сайёра Абдукаримова. — Энди бу борада аниқ ва тўлақонли режа тузиб, фаол ҳаракат қилмоқчиман. Партия гуруҳимиздаги депутатлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, мазкур масалаларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб, ишлаб чиқариладиган таклифларимни сессиялар кун тартибига киритишни режалаштирдим. Партияимиз гуруҳи фаолияти ваколатлар даражасида йўлга қўйилса, сайловчилар ишончини оқлаймиз, албатта.

Йиғилишда ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, 24-Бекобод округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат Раимберган Сабуров партия гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

ЎзХДП Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан чоп этилган «Халқ депутатлари Хоразм вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатга қўлланма»нинг тақдироти ҳам ўтказилди. Ушбу қўлланмада депутатлар фаолияти билан боғлиқ муҳим қонун ҳужжатлари, олдинги партия гуруҳлари фаолиятига доир маълумотлар ҳамда тавсиялар ўрин олган.

Санобер БЕРДИЕВА, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши сектор мудир.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ



Нуроний отахон ва онахонлар

гамхўрлик ва эътибордан мамнун

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинишининг аҳамияти ва шу муносабат билан партия ташкилотлари зиммасидagi вазифалар ҳақида сўз юритилди. Унда депутатлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

— Президентимиз таклифи билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиши ва шу асосда Давлат дастурларининг қабул қилиниши замирида аҳолининг турмуш даражасини юқсалтириш, ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашдек эзу мақсад мужассамдир, — деди вилоят партия кенгаши раиси Акмал Асатов. — Биргина ўтган — Соғлом бола йилида амалга оширилган лойиҳалар тўғрисида инсон манфаатига қаратилган қўллаб-қувватлаш қилинди. Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам ўта муҳим дастурлар ишлаб чиқилади, албатта. Биз ҳам ўз таклифларимизни тақдим этишимиз, янги ташаббусларни илгари суришимиз лозим.

— Президентимиз таъкидлагандек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва гамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, — дейди Навоий давлат кончилик институти катта ўқитувчиси, ЎзХДП фаоли Насиба Ашурова. — Халқимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш миллатий қадрият даражасига кўтарилган. Яна бир ҳақиқат шундаки, юртимиз тинчлиги, дастурдонимиз тўқин-сончилиги бугун кексалар гаштини сураётган нуронийларимизнинг фидокорона меҳнати, ордуинтилиши тўғрисида. Шундай экан, уларни ардоқлашимиз, пиру-бадавлат онахону-

отахонларимизнинг машаққатли ва шарофли ҳаёт йўлларини ёш авлодга ўрнақ қилиб кўрсатишимиз керак. — Йилдан-йилга юртимизда юз билан юзлашаётган нуронийлар сафи кенгайиб бораётгани гамхўрлик ва эътибор натижасидир, — деди Навоий давлат кончилик институти ўқитувчиси, ЎзХДП фаоли Мухаббат Темирова. — Биз партия фаоллари ҳам партияимиз Сайловолди дастурига ҳамроҳанг бўлган бу вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим. Бунинг учун 2015 йилда ушбу йўналишда амалга оширишимиз лозим бўлган чора-тadbирларни аниқ ва манзилли белгилаб олишимиз керак. Вилоятимизнинг олис қишлоқ ва овулларда яшовчи нуронийларимизнинг мамлакатимиздаги тарихий шахарларга саёҳатларини ташкил этиш, уларни вилоятимизда амалга ошириладиган қурилиш ва бунёдкорликлар билан яқиндан таништиришни таклиф қилмоқчиман. Бундай хайрли ишлар кексаларимизнинг ҳаётга иштиёқини, кўнгли хотиржамлигини янада оширишга хизмат қилади.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Тўғриси айтмай, Президентимизнинг маърузасини телевизорда бошдан охиригача диққат билан тингладим. Кейинги йил қандай йил, деб эълон қилинишини ҳаяжонланиб кутдим. 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили бўлишини эшитиб, қувончдан қўзларимга ёш келди. Қалбимда у кишига нисбатан чексиз ҳурмат сездим, меҳрим янада ошди.

Юрагимга куч-қувват берди

Китоб туманининг Алақўйлик қишлоғида яшаётган, 94 ёшли отахон, Иккинчи жаҳон уруш қатнашчиси Мажид бобо Хидиров сўзлари

Мен катта оиланинг кайвонисиман. Бир кунги ҳисобласак, 10 фарзанднинг отаси, 150 дан ортик неварара, чевара, эвараларнинг бобоси эканман. Ешим ҳам роса 94 га чиқди. Эл ҳурмат-иззат қилади, тўй-маъракаларга, албатта, йўқлайди. Яқинда Ахрорхон ўғлининг ўғли — невараларимдан бири янги уйга кўчиб кирди, қўни-қўшни, қарин-

нинг юбилейида кўришиб, «Эл-юрт таянчи» хайкали очилишида айтган сўзларини ҳамон ёдимда. Мана, ҳозир Шахрисабз ва Қарши шаҳарларини янада обод қилиш, Қашқадарё вилоятида туризм, санъатни янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорларининг ўғли — невараларимдан бири янги уйга кўчиб кирди, қўни-қўшни, қарин-

«Бобо, янги йил сизнинг йилингиз бўлди, баракали, хайрли келсин!», дея тилак билдиришди. Очиғи, ниҳоятда ҳаяжонландим, худдики шахсан мени ўйлаб, шу қарорга келингандай туюлди.

дошларни йўқлаб, дастурхон ёзишди. Гурунг аста-секин янги 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили», деб аталганига келиб тақалди. Шунда неварамнинг уйига йилгиланлар: «Бобо, янги йил сизнинг йилингиз бўлди, баракали, хайрли келсин!», дея тилак билдиришди. Очиғи, ниҳоятда ҳаяжонландим, худдики шахсан мени ўйлаб шу қарорга келингандай туюлди.

Ўзгаришларни кўриб, лол қолдим. Шаҳар марказида катта майдон очилиб, чет элдан келтирилган дархат кўчатлари экилаётган экан. Янги йўллар кенг ва раван. Халқимиз хуш кўради. «Ободлик кўнгиладан бошланади», деган машҳур гапни эсладим. Рост гап, кўнгиладан улуг ниятлар бўлса, юрт обод бўлади.

Яратган эгам менга иноят қилди — ҳануз ўзим юраман, китоб, газета-журналларни ўқийман. Телевизор кўраман. Фарзандларим турли соҳаларда меҳнат қилишяпти, уларга юртини дилдан севинглар, Ватанга содиқ бўлинглар, деб насихат қиламан.

Конституция кунинда Юртбошимиз мамлакатимиз ўтган йили эришган ютуқлар ҳақида гапириб, янги йилни «Кексаларни эъзозлаш йили», деб эълон қилгани юрагимга куч-қувват берди, шу кунларга етганимга шукрлар айтдим. Кўп замонларни кўрдим. Хулосам шуки, ота-она, кексалар қадрланган юрта имон, эътиқод кучли бўлади. Ёш авлод Президентимиз асос солган давлатнинг ишончли устун қадр эканлигини юракдан ҳис қилиб қамолга еттипти. 2015 йил — «Кексаларни эъзозлаш йили» бўлиши ҳам ёшлар тарбиясида алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Юртимиз тинч, барча ишларимиз баракали, хайрли бўлсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири Юнус УЗОҚОВ ёзиб олди.

www.xdp.uz Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳамда халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларига бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кимлар депутат этиб сайланди? Бу ҳақида мазкур сайтдан билиб оласиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

АМНИСТИЯ: Тўғри йўлга қайтиш ИМКОНИАТИ

■ ...Эҳтиётсизлик оқибатида ўз бошқарувидаги транспорт воситаси билан йўлдан ўтаётган йўловчини уриб юборди. Жабрдийда воқеа жойида ҳалок бўлди. Кекса ёшли ҳайдовчи эса жиноий жавобгарликка тортилди. Унинг учун маҳкумлиқнинг оғир куллари бошланди...

...Аёл, билиб-билмай жиноят қўчасига кирди. Бу йўлнинг учун назарида тўғри бўлиб кўринди. Ушанда бир кун келиб бу қилмишлари учун жавоб бериши кераклигини хаёлига ҳам келтирмади. У уч нафар фарзанди, турмуш ўртоғидан узоқда, панжара ортида кун санар эди. Ҳаётнинг шафқатсиз зарбаси олдидан болаларининг, яқинларининг боши эгилди...

юк халтасида наркотик модда бор эди. Кўшни давлат фуқароси бўлган бу одам жиноий жавобгарликка тортилди... Минг афсуски, қишлоқдош, маҳалладошларимиз орасида, бундай шахслар учраб туради. Лекин халқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик, йиқилган одамни суюш, хато қилган кишини тўғри йўлга солиш, меҳр-оқибат кўрсатиш каби миллий қадриятлар, азалий анъаналар уларни ҳаётга қайтаради, тўғри хулоса чиқариб олишга имкон беради.

Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдирномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унга кўра, аёллар, воёга етмаган шахслар, олтиш ёшдан ошганлар ва чет эл фуқаролари озодликка чиқариш мумкин. Бу қарорнинг маъноси, орасида бировнинг ўғли, акиси ёки укасининг уйга, оиласи бағрига, жамоасига, бир сўз билан айтганда, жамиятга қайтиши, демакдир. Мазкур воқеа уларнинг

оила аъзолари учун қанчалик муҳимлигини сўз билан ифода этиб бўлмайди. Улар тимсолида юзлаб оилаларга ҳаловат, осойишталик, меҳр-муҳаббат, қувонч, бахт-икбол қайтади.

Амнистия муносабати билан озодликка чиқиш — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи ўта муҳим ва нозик томони шундаки, маҳкумликдан қайтган одамнинг жамиятга мослашуви жараёни атрофдагилардан доимий эътиборни талаб этади. Бундай инсон, аввало, туғилганларининг, оила-аъзоларининг меҳрига, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. У биринчи навбатда, жамиятга, оиласига керак эканини ҳис қилиши лозим. Шунинг учун ҳам жазодан озод қилинганларга моддий ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш долзарб аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда амнистия тўғрисидаги қарор ижросини, унинг очиқ-шоралигини таъминлаш, жазодан озод қилинган кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Мазкур ишчи гуруҳ туман Ижтимоий молашуву маркази, Ички ишлар бошқармаси, Хоризмга кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлими, Бандликка кўмаклашиш маркази, хотин-қизлар кўмитаси,



«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЕИХ ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Амнистия туфайли жазодан озод қилинганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишимиз, — дейди Юнусобод туман ижтимоий молашуву маркази раҳбари Феруза Тўрахонова. — Биз маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда жазодан озод қилинганлар ҳам бошқалар ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилмоқда. Воёга етмаганларни эса ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратида топшириш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, саломатликларини тиклаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси бўлган шахслар эса туман ҳокимлиги тасарруфидида уйларга жойлаштирилмоқда. Ишга лаёқатли кишиларга ўз мутахассисликлари бўйича иш топиб бериляпти. Фуқаролик паспортини йўқотган ёки муддати тугаганларга янги биометрик паспорт олишига кўмаклашишмоқда. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган аёлларга хотин-қизлар кўмитаси томонидан

алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Амнистия туфайли жазони ўташ муассасаларидан муддатидан олдин қайтган шахсларнинг жамиятга тезроқ мослашиши доимий диққат марказимизда бўлиши керак, — дейди ишчи гуруҳ раҳбари Уринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳри Кенгашидаги ҲўДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова. — Биз маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда жазодан озод қилинганлар ҳам бошқалар сингари барча ҳуқуқларга эга эканини одамларга тушунтиришга ҳаракат қилишимиз. Бундан ташқари, тиббий ёрдамга муҳтож кишиларга туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Ҳаётим давомида амнистия туфайли жазодан озод этилган кишиларнинг тўғри йўлга кирганига кўп бора гувоҳ бўлганман, — дейди пойтахтимиздаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҲўДП аъзоси Мавлуда Ҳакимова. — Кўрсатилаётган


гамхўрлик туфайли кимдир соғлигини, кимдир ишини ва яна кимлардир ўқини қайта томонидан ҳаётини янгидан бошлаши учун имконият берилмоқда. Ҳеч ким уларни «сен қамалиб чиққансан», деб

ҳақда ЮСУПОВ



Овқатда ҳам алюмин бор Бу хавфлими!..

Бугунги кунда озик-овқат маҳсулотлари бўладими, косметика ёки дори воситалари бўладими, барча-барчасининг таркибиде алюмин моддалари мавжуд бўлиб, у организмга киргач, аста-секинлик билан мияни захарлайди ва охир-оқибат альцгеймер хасталигини келтириб чиқаради. Бу ҳақда Кил университети профессори Эскил Кристофер ўз тадқиқотлари натижаларидан хулоса чиқарган ҳолда маъруза эълон қилди, дея хабар берди «Дейли мейл» газетаси.



Замонавий озик-овқат индустриясининг маҳсулотларини кейинги пайтда негадир алюминийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг жуда кам миқдордаги дозаси ҳам хавфли нейротоксин ҳисобланиб, у инсон умри давомида мияда йиғилиб бораверади.

Яқин-яқингача олимлар алюминий таъсирига бу қадар эътибор қаратишмасди. Бугунги илм-фан эса уни чукор ўрганиб аниқ хулоса қелди.

Профессорнинг оғохлантиришича, дезодорантлар таркибидеги алюминий саратон хасталикларини келтириб чиқаради.

Бир неча ўн йиллар муқаддам алюминий бизнесини организмимизга алюминдан ясалган идишлар орқали ўтган бўлса, бугунги кунда алюминдан ясалган идишлардан фойдаланиш деярли учрамаданда, бироқ алюминий дозасининг организмга таъсири ортиб бормоқда.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, айни пайтда истеъмолдаги ичимлик сувларга маълум дозада алюминий қўшилибди, у сувни жуда тиниқлаштиради. Бундан ташқари, турли пиширилган қўшиладиган озуқа ранглири таркибиде ҳам, тиш пастаси ва турли кремлар таркибиде ҳам алюминий бор.

Уларнинг маълум қисми организмдан чиқиб кетмай, аммо бир қисми сунжларда, мияда, жигарда, юракда, мускулларда сақланиб қолади. Энг хавфлиси, мияда сақланганидир.

Бир неча йиллар муқаддам Буюк Британияда ичимлик сувини қайта ишлаш учун кўпрок дозада алюминий қўшилган воқеани кенг жамоатчилик яхши еслайди: ўшанда мазкур сув истеъмол қилинган ҳудудда альцгеймер хасталигига чалинганлар сони 20 минг кишига кўпайиб кетган эди.

«Ақлли кулф»

Товушни танийди Бугун «сигнализация» ўрнатилмаган автомашинани топширмамаҳол. Уларнинг эшикларини махсус кодланган товуш-тўлқинини «танигач», очилиши ҳеч кимга сир эмас.



АҚШлик ихтирочи Стив Хофер калитсиз очиладиган «ақлли кулф» яратгани ҳам ҳудди «сигнализация» илк бор ихтиро қилингандаги сингари анча шов-шувга сабаб бўлди. Бундай кулф уй эгаси томонидан ўрнатилган товуш ёрдамида ишлайди. Эшикдаги товушдан таъсирланган кулфани очилиши ёки бутунлай кулфаниши мумкин. Ушбу инновацион гоа калитни йўқотиб қўйиб, машаққатда қолишдек овозгарчиликларга чек қўяди. Яқин кунларда бундай кулфлар савдо расталарида чиқарилиши режалаштирилмоқда.

РЕКЛАМА



Банклар ривожини кўп жиҳатдан ўз миқдорларига кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағларнинг қанчалик кафолатланганлигига бевоисита боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда молия тизимини ислоҳ қилиш, банклар фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳолига қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Натижада миқдорлар банкни ўзлари танлаш, пул маблағларини ўзи истаган банкда сақлаш ва олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бунда Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлаётир.



«Namkorbank»: Ишончли ва доимий ҳамкор

Бунга чет эл капитални иштирокидаги «Namkorbank» акциядорлик тижорат банкнинг бугунги фаолияти ҳам мисол бўла олади. Гап шундаки, банк кейинги йилларда кўптармоқли ташкилот сифатида республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олмақда. Хизматлари билан аҳоли ва миқдорларга қулайлик яратишни устувор вазифа, деб билимоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўрнатилган мустақам алоқаларда яққол кўзга ташланыпти. Чунки ҳозирги кунда банк кредит портфелида ушбу соҳа вакилларига ажратилаётган маблағлар салмоғи йил сайин кўпаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, чекка-чекка ҳудудларда ҳам турли йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига, янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг даромади ортишига сабаб бўляпти. Энг муҳими, бунинг натижасида ички бозоримиз сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан бойимоқда.

Айтиш жоизки, банкнинг ушбу йўналишдаги амалий ишлари ўтган 2014 йилда ҳам ўз самарасини берди. Буни «Namkorbank» АТБ томонидан 13 мингдан зиёд кичик бизнес вакилига жами 771,9 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши, бунинг натижасида 4350 та янги иш ўрни яратилгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шундан 128,7 миллиард сўм маблағ 1891 нафар аёл тадбиркорга, 9,2 миллиард сўм миқ-

доридеги сармоя эса касб-ҳунар коллежлари битирувчилари лойиҳаларини рўйбга чиқаришга йўналтирилди. Пировардида бу ҳам минг нафардан ортиқ киши бандлигини таъминлашда айна мўддао бўлди. Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес вакиллари улушини ошириш, шу жумладан, банк фаолиятини ривожлантиришда Президентимизнинг озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки айнан мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлаш жараёнида банк фаол иштирок этияпти. Масалан, банк томонидан ўтган йил давомида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган корхоналарга 86,7 миллиард сўм сармоя тақдим этилиши туфайли жойларда 719 та иш ўрни ташкил этилди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи субъектларга 170,5 миллиард сўм кредит ажратилиши натижасида эса қарийб минг нафар киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар миқдори эса 109,4 миллиард сўмга

ВАТАН — УЛУФ, БУРЧИМ — МУҚАДДАС!

Жасорат ва мардлик мадҳияси

12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

■ Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юсак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-ярғоғ ва техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Бунинг самарасида армиямиз нафақат сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли химоячиси, балки ёшларда чинакам ирода ва характерни тоблайдиган, жисмоний чиниқиш ва юсак инсоний фазилатлар уйғун шаклланди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резерви хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёрларини юксалтирди. Айни пайтда йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустақамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий

хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишининг самарали тизими шаклланди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ташкил этилган Қуролли Кучларимиз мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик барқарорлигининг мустақам қафолатиға айланганидан далолатдир.

Бош Қомусимизда белгиланганидек, Ватанимизни химоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Давлатимиз раҳбари гоёси ва ташаббуси билан 2010 йили пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган «Ватанга қасамёд» монументи шу муқаддас бурчни сидқиқилган ўташга қодир йигитларни воёга етказишда бетақорро аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг чуқур маъно-мазмунини, теран ҳаётий фалсафаси билан ажралиб турадиган ушбу мажмуада азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига



тўтиб қилиб, Ватан химояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётганини ифода этилган. Унинг елкаси узра ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сўт берган, бағрида кўтариб

зидентимиз ташаббуси билан «Ватанга қасамёд» деб ном берилиши бежиз эмас. Зеро, халқимиз учун ҳарбий қасамёд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъуляти ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

Ҳар йили минг-минглаб алп-келбат ўғлонларимиз муддатли ҳарбий хизматга киришар экан, эл-юрт химояси йўлида фидойи бўлиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қасамёд қилади. Бу уларнинг она юртимизига, Президентимизга, халқимизга қилган лафзидир. Лафзи ҳалоллик — халқимизда эр йигитнинг шаъни, орият ва номуси ҳисобланади.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан йил бўйи гулчамбарлар аримайди. Айниқса, шу кунларда байрам муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу мухташ Монументни зиёрат қилар экан, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук, эл-юртга садоқатли ва мард йигитларимизни кўргандек бўлади.

— Ўғлим Баҳромжон ушбу Монумент пойида қасамёд қилган эди, — дейди Янгиарик туманидан келган Назира Мирсобирова. — Утган вақт мобайнида у ҳарбий ҳаётга ўрганиб,

ҳарбий хизматнинг йигит учун кучли тарбия мактаби эканини англаб етди. Бунинг монумент олдида командирларининг ўғлим ҳақида айтган санимий фикрларини эшитиб, кўксим тоғдек кўтарилди. Биз, ота-оналар бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз диймо соғ-омон бўлсинлар, дея дуо қилишдан чарчамаймиз.

— Дусларим билан ҳар гал бу ерни зиёрат қилишга келганимизда, халқимизнинг ишончи бизга ҳамиша мадақкор бўлишини чин дилдан хис этамиз, — дейди Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билан юрти курсанти Ҳаётбек Икромов. — Айниқса, давлатимиз байроғини кўзига суртиб турган аскар сиймосини кўрганимизда вужудимни ўзгача ҳаяжон чулғаб олади. Бу ҳайкал менга доим ўз аҳдимни, унга содиқ туриш масъулятини эслатади, эл-юртимизга муносиб бўлишга ундайди.

Ҳа, Ҳаётбек каби миллий армиямизнинг мустақам таянчлари, катта жасорат соҳиблари — ҳарбийларимиз бор экан, Ватанимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо. «Ватанга қасамёд» мажмуаси эл-юртимиз ор-номуси ва ғурурини асраш ва юксалтиришни мақсад қилган юртдошларимиз учун жасорат ва мардлик тимсолидир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Эллиқалъа туманининг қишлоқ ва овуллари, маҳалла гузарлари ҳам кўркамлашиб, обод бўлиб бормоқда. Замонавий қорхоналар, кенг ва равшан йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, бог ва хиёбонлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

ЯНГИ ҚОРХОНАЛАР Фойдаланишга топширилмоқда,

кўплаб ёшлар ишли бўлмоқда

Яқинда, «Навоий» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Нуруммад Курбонов» паррандачилик ҳўжалиғига қарашли товуқ фермаси иш бошлади. Ушбу ферма бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, замонавий зарур жиҳозлар билан таъминланди ва аҳоли истеъмолига мос ҳўжа белгирилиб, парвариш қилина бошлади. Келгусида бу ерда ҳар ойда 30 тонна товуқ гуштини етиштириш режалаштирилмоқда. Натижанда аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Ҳўжаликда 20 нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, туманда автобилларга хизмат кўрсатиш шохбчаси ҳам иш бошлади. Автомобиль бошқарувчиларининг мушқули осон бўлди. Энди уларнинг бошқа туманга боришига ҳожат қолмади. Бундан ташқари, «Гулдирсин», «Қирққиз» овул фуқаролар йиғинларида аҳолига сервис ва савдо хизматини кўрсатадиган марказлар фойдаланишга топширилди. Кўплаб иш ўринлари яратилди. Бу бунёдкорликлар бандликни таъминлаш билан бирга, аҳоли фаровонлиғи ҳам хизмат қилмоқда.

Множотдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУГУННИНГ ГАПИ

■ Бу савол билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизматининг бош мутахассиси Равшан Амиркуловага мурожаат қилдик.

Январь ойида об-ҳаво қандай бўлади?

— Декабрь ойида республикамиз ҳудудларида совуқ об-ҳаво кузатилиб, ёмғир ва қор ҳам ёғди. Аммо аксарият вақт ҳаво ҳарорати илқ бўлиб турди. Қолаверса, пойтахтимизда эски йилнинг охиригун ва янги йилнинг биринчи кунини кундуз кунги ҳаво ҳарорати 15-17 даража илқ атрофида бўлди. Шу боисдан мамлакатимиз аҳолиси Янги йилни қуруқ ва илқ об-ҳаво шароитида кутиб олишига тўғри келди. Бу илқ ҳаво оқимлари Эрон ва Ироқ давлатларининг жанубий ҳудудларидан ўлкамизга кириб келганлиги боис, мана шундай ҳаво ҳарорати кузатилади.



Шунингдек, 2015 йилнинг 2-3 январидидаги ҳаво ҳарорати бироз совуқ бўлиб, худудимизнинг баъзи бир жойларига қор ҳам ёғди. Шундай бўлса ҳам, ҳаво ҳарорати яна илқиди. Бундан ташқари, 6-8 январь кунлари ҳаво ҳарорати республикамиз миқёсида 15-18 даража кўтарилди. Мамлакатимизнинг жанубида эса ҳаво ҳарорати 18-20 даража илқ бўлгани кузатилди. Бир сўз билан айтганда 10-12 даражага юқори бўлди. Тошкент шаҳрида эса энг юқори ҳаво ҳарорати 18-21 даража илқни ташкил этди. Бундай юқори ҳарорат қий-

матлари охиригун марта 2002 ва 2003 йилларда кузатилган. 2010 йилда эса январь ойининг биринчи кунлари аномал илқ бўлиб, пойтахтимизда 19 даражага илқ бўлган. Умуман олганда, январь ойида қисқа давр жуда илқ об-ҳаво бўлиши деярли ҳар йили кузатилади. Энди барчамизни бирдек қизиқтираётган, шу билан бирга, куттираётган ёмғирли ва қорли кунлар ҳақида тўхталасан. Маълумотларга кўра, шимолдан, Россиянинг Европа қисмидан совуқ ҳаво оқими мамлакатимиз худудига кириб келмоқда. Бунинг натижасида 9 январдан бошлаб об-ҳаво ҳарорати кескин ўзгариши кутилмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида ёмғир қорға айланган ва ҳаво ҳарорати кескин, яъни 12-15 даражага пасаяди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Қуёш энергиясидан қувват оладиган телефон

Тошкент давлат техника университети энергетика факультети 3-курс талабаси Сирожиддин Насриддинов томонидан яратилди.

■ — Менинг тадқиқотим мобил алоқалари тизимида янги босқични бошлаб беради, деб ўйлайман, — дейди у. — Қурилманинг устки қисми зарбга чидамли ойналар билан, шаффоф қисми эса қуёш нуридан қувват оладиган махсус плёнка билан қопланган.

— Сиз яратган телефон бошқа мобил алоқа воситаларидан нимаси билан ажралиб туради?

— Бугунги кунда ахборот технологиялари бозорини ташкил қилганда бир ҳолат кузатилади — бу ҳам бўлса уларнинг бири иккинчисининг камчилигини тузатишга, телефонларнинг кейинги авлоди ўзидан олдингилари йўл қўйган хатони тақорлашмасликка ҳаракат қилади. Бу эса унинг харидорлигини оширади. Мана шуларни ҳисобга олиб, машҳур компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган турли телефонлардан фойдаланиб кўрдим. Яратган телефонимда эса улардаги нуқсонларни йўқотишга интилдим. Кўплаб мобил алоқа воситаларининг хотираси тўлгани сари ишлаш тезлиги секинлашиб бораверади. Мен яратган телефон хотираси 60ГБ бўлиб, у маълумотлар билан тўлса ҳам, ишлаши мутлақо пасаймайди. Буни синовдан ўтказганман.

Бундан ташқари, телефоним электр қуввати манбаисиз ишлаши, дастурларининг тезкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Энг асосийси, инсон соғлиғига зарар етказмайди.

Телефоним электр қуввати манбаисиз ишлаши, дастурларининг тезкорлиги билан ҳам ажралиб туради. Энг асосийси, инсон соғлиғига зарар етказмайди.



— Ҳар бир яратилган лойиҳага турли компаниялар томонидан қизиқиш билдирилади ёки тақлифлар тушади...

— VII Инновацион форум ва лойиҳалар республика ярмаркасида катнашиб, биринчи ўринни олдим. Ярмарканинг иккинчи кунини телефонимга «Artel» компанияси қизиқиш билдириди, шунингдек, «Apple», «Sony» ва қиллари ҳам мен тақлиф қилаётган мобил телефон билан танишишди. Хорижликлар билан амалга оширилган иш ҳақида суҳбатлашдик. Улар менинг ишларимга муваффақиятлар тилашди.

— Оруларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз. — Президентимиз биз ёшларга ишонади. Яхши

ўқишимиз, жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айланишимиз учун доимо ғамхўрлик кўрсатади. Мана шу ишонч, эътиборни оқлаш учун изланишларимни давом эттирайман. Нафақат телефоним, балки бошқа технологиялар устида ҳам иш олиб бораёяман. Масалан, планшет яратиш орузим бор. Бугунги кунда бу борада ҳам бир катор натижаларга эришдим.

Мақсадим — замонавий ахборот технологияларни яратиш борасида ҳам мамлакатимиз нуфузини ошириш, Ўзбекистон ёшларини ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини бутун дунёга намойиш қилишдир.

Шаҳзод ТҮРАЕВ

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla Oripov, Ulug'bek Saidahmad Rahimov, Hotamjon Ketmonov, Mustafoyev Farrux Hamroyev, Ulug'bek Vafoyev, Mustahiddin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Rustam Kamilov, Muhiddinov, Sharbat Abdullayeva, Ochilboy Ramatov (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159 2015г. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.35 Topshirilgan vaqti — 23.35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOVI Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6